

## **2023 йил 3-чорак ҳисоботи**

2023 йилнинг 9 ойлиги якунида юк айланмаси ҳажми 12 664,45 млн.т-кмни ташкил этди ва ўтган йилги ҳисботга нисбатан 104,8 фоиз ҳамда бизнес режага нисбатан 104,6 фоизга бажарилди.

2023 йил 9 ойлиги якунида йўловчилар айланмаси 1 878,7 млн йўл.кмни ташкил этди ва ўтган йилги ҳисботга нисбатан 110,9 фоизга ҳамда бизнес-режа эса 106,8 фоизга бажарилди.

2023 йил 9 ойлиги якунида ўтган йилга нисбатан ташилган йўловчилар сони 474,5 минг кишига ошди ва 4,9 млн йўловчини ташкил этди, шунингдек, бизнес режага нисбатан 108,3 фоизга бажарилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги учун операцион харажатларни камайтириш учун юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларни қўрсатиш, ушбу соҳани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизматлар) таннархи 4 799,6 млрд.сўм, давр харажатлари 784,3 млрд.сўм шу жумладан ҳомийлик харажатлари 45,8 млрд.сўм ни ташкил этди.

Дебитор қарздорлик 2023 йил 1 июль ҳолатига 3 329 882 млн сўмни ташкил этган бўлиб, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига 3 789 996 млн сўмни ташкил этди. Натижада дебитор қарздорлик 460 114 млн сўмга ошди. Шу билан бирга муддати ўтган дебитор қарздорлик 2023 йил 1 октябрь ҳолатига 116 571 млн сўмни ташкил этди.

Кредитор қарздорлик 2023 йил 1 июль ҳолатига 2 514 728 млн сўмни ташкил этган бўлиб, 2023 йил 1 октябрь ҳолатига 2 924 271 млн сўмни ташкил этди. Натижада кредитор қарздорлик 409 543 млн сўмга камайди. Муддати ўтган кредитор қарздорлик 11 563 млн сўмни ташкил этди.

2023 йил III чорак якунида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши бўйича режадаги 198,17 млн АҚШ доллари ўрнига амалда 204,01 млн АҚШ доллари ўзлаштирилди ва режа 102,9 фоизни ташкил этди.